*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 40 (9536). ● 1989 йил 25 февраль ● шанба ● Баҳоси 3 тийин.

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СОҲАСИДА

## *М. С. Горбачевнинг Донбасс шахтёрлари билан учрашуви*

Украина кончилари революцион қайта қуришга содиқликларини конкрет ишлар билан тасдиқламоқдалар — мамлакатнинг энг кўҳна кўмир кони ҳозир ҳам кўп кўмир қазиб чиқариш учун, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг муқим юксак суръатларини гарантиялайдиган хўжалик юритишнинг янги илғор усуллари учун курашда олдинги сафда бормоқда. Хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ижара шахтёрлар бригадалари бутун-бутун корхоналар практикасига тобора дадил кириб бормоқда.

Бироқ ҳавза кончилари ҳал этилмаган муаммоларни ҳам равшан кўриб туришибди. Забойларда «танг жойлар» ҳали кўп: замонавий техника етишмаяпти, машинасозлар ва олимлар ана шундай техника етказиб беришда шахтёрлар олдида қарздор бўлиб қолдилар, қурилиш, материал-техника таъминоти анча оқсамоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси биргаликда кейинги йилларда индустриал Донбасснинг талаблари ва эҳтиёжларига эътибор камайиб кетганлигидан далолат бермоқда. Ҳавзанинг имкониятлари ҳали тугагани йўқ, унинг резервларини тўла оча билиш, регион тараққиётига янги омил бахш этиш муҳимдир.

М. С. Горбачевнинг 22 февраль куни кўмир саноати Донецк бош территориал бошқармасида ҳавза кончилари билан бўлиб ўтган учрашувида гап белгиланган марраларга қандай қилиб тезроқ чиқиб олиш тўғрисида борди.

Сўзга чиққан «Красноармейскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг А. Г. Стаханов номли шахтаси тозалаш забойи кон ишчилари бригадири А. И. Ляшок, «Макеевуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг В. М. Бажанов номли шахтаси тозалаш забойи кон ишчилари бригадири Б. Г. Беседин, «Октябрьуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Коммунист» шахтаси проходкачилари бригадири В. Н. Рассохин, «Краснодонуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Молодогвардейская» шахтаси тозалаш забойи кон ишчилари бригадири А. Я. Колесников, «Донецкуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг А. Ф. Засядько номли шахтаси тозалаш забойи кон ишчилари бригадири И. Ф. Манекин, «Селидовуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Горняк» шахта бошқармаси партия комитетининг секретари А. И. Плошчик, «Донецкуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Г. Ильюшенко, «Оржоникидзеуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Карл Маркс номли шахтаси кон мастери Ю. М. Шаталов, «Донецкуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг биринчи сонли «Южнодонбасская» шахтаси участка бошлиғи А. П. Рязанцев конкрет масалаларни ўртага қўйдиларки, кўмир саноатининг олға силжиши суръатлари ана шу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқ. Нутқларда шахтёрлар ўлкаси меҳнатчиларининг позициясини ифодаловчи умумий фикр яққол сезилиб турди: қайта қуришни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, «юқоридан» кўрсатма берилишини кутмаслик, ҳар бир иш жойида, корхонада зўр ғайрат билан меҳнат қилиш шахтёрларнинг ана шундай позициясидир. Давр тақозоси ана шундай, қайта қуриш дадил, новаторларча ёндашувларни талаб қилмоқда. Чунки халқ хўжалигининг, янгиланаётган экономикамизнинг энергетика имкониятлари калити шахтёрлар қўлидадир.

**М. С. Горбачев** учрашувга якун ясаб, бундай деди:

Мен бундай гапларни қадрлайман, корхоналарда бўлишни, ишлаб чиқариш характерини ҳис этишни, одамлар билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Мен шахталарда бўлганман, тўғри, Ставрополь шахталарида бўлганман. У ерда шароит бошқача, техника ҳам бошқача, лекин умуман, сизнинг тармоғингиз тўғрисида тасаввурим бор. Бу мураккаб, жуда масъулиятли хўжалик. Энг кейин сўзга чиққан нотиқ, шахтёр профессионал бўлмай иложи йўқ, деб тўғри айтди. У ҳам сапёрга ўхшайди, иши жуда масъулиятли, хато қилмаслиги керак. Лекин бу — алоҳида мавзу. Экономикамиз олдинги маррасининг одамлари билан ана шундай суҳбатлашиш жуда муҳимлигини таъкидламоқчиман. Улар катта сиёсат бевосита коллективда, иш жойида қандай акс этаётганлигини, одамлар уни қандай тушунаётганлигини яхшироқ англаб олишга ёрдам беради.

Сўнгги йилларда бундай учрашувлар, умуман, заруратга айланиб қолди. Илгари бундай учрашувлар фойда келтирмасди. Ҳаммаси яхши, келишиб қўйилганидек ўтарди. Ҳозир эса, бир-биримиз билан очиқчасига, ишчанлик билан гаплашаётган пайтимизда, мамлакатимизда нималар бўлаётганлигини билиш ҳаммамиз учун муҳим бўлиб қолган пайтда, ҳар бир киши мамлакатимиздаги умумий иш учун жон куйдираётган пайтда одамлар билан учрашувлар бутунлай бошқача тус олди. Айниқса, бу ерда, Донбассда, мамлакатимизнинг жуда муҳим регионида бошқача тус олди.

Биринчидан, мен ҳар ҳолда ишчилар синфининг позициясини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ишчилар синфининг позицияси энг муҳим, долзарб масалалар юзасидан тўғри сиёсатни белгилаш учун ҳамиша ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Ҳозир эса, сиз билан бизнинг сиёсатимиз — қайта қуриш. Бу сиёсатсиз тараққиётга, олға томон силжишга, жамиятимиз турмушининг ҳамма соҳаларини яхшилашга умид қилиб бўлмайди — бу фикр бугун шу ерда якдиллик билан айтилди. Бу мутлақо равшан ва бу бизга, мамлакат, республика раҳбарларига катта мадад бўлмоқда.

Қайта қуришдан бир қадам ҳам чекинилмасин — бу ҳозирги куннинг ўзига хос шиоридир. Нафақат чекиниш, ҳатто тўхтаб қолиш ҳам мумкин эмас. Қатъият билан олға томон ҳаракат қилиш лозим.

Иккинчидан, ўртоқлар иш ва конкрет натижалар керак, деб тўғри гапиришмоқда. Бугун шахтёрлар ўз позицияларини, сиёсатга муносабатларини айтиб, шу билан бирга ана шу сиёсатни иш билан, иш натижалари, ҳаётни фаровон қилиш билан мустаҳкамлаш учун улар нималар қилаётганларини гапириб бердилар, бу жуда муҳимдир. Бу — муҳим, тўғри ишдир, ўртоқлар. Ҳозир амалий ишлар ғоясини биринчи ўринга қўйиш, уни суҳбатларда, амалий баҳсларда биринчи ўринга қўйиш лозим, у ҳозир матбуотда, телевидениеда, барча оммавий ахборот воситаларида асосий, белгилаб берувчи мавзу бўлиши керак. Қайта қуриш хусусидаги «урра-бозлик»дан қочиб, қайта қуришни конкрет ишлар билан олға силжитиш даркор. Сўз билан иш ўртасидаги тафовут ўтмишда бизга кўп марта панд берган, илгари ҳам яхши қарорлар ва ташаббуслар бўлган эди. Лекин улар иш билан мустаҳкамланмади ва беҳуда кетди.

Ҳозир ана шундай аҳвол такрорланмаслиги учун биз иқтисодий-сиёсий ислоҳотни авж олдираяпмиз, рўй-ростлик, ошкоралик ва демократияни ривожлантираяпмиз, танқидни тегишли даражада ушлаб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси керак, бу — қайта қуришнинг нормал муҳитидир. Баъзи бировлар ана шу танқиддан, ана шу прожектор нуридан ўзини четга олишга, яширинишга уринмоқда. Ўртоқлар, танқид бундан буён ҳам бизга зарур. Аммо ҳозир ҳар бир тармоқда, ҳар бир коллективда, ҳар бир регионда қайта қуриш тўплаган кўпгина ижобий тажрибалар бор. Бу тажрибаларни мамлакат билиши лозим, ҳар бир киши ана шу тажрибадан нималарнидир олиб, уни ўзида қўлланиши керак. Бу ҳозир ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли илғор тажрибани, қайта қуришда туғилган барча яхши жиҳатларни тезкорлик билан оммалаштириш, пропаганда қилиш муҳимдир. Бу — идеология жабҳаси ходимларининг, оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан биридир. Қайта қуриш — бу ҳамманинг ва ҳар бир кишининг меҳнатидир. Биз учун кимдир бирор иш қилишига ва ҳамма нарсани тайёр ҳолида «чиройли лаганга солиб» олиб келиб беришига умид қилиб бўлмайди.

Бу ерда кўтарилган кўпгина амалий масалалар озми-кўпми кадрлар, инсон омили муаммоларига бориб тақалмоқда. Баъзилар ижара керакми, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа янги шакллари зарурми, дейишмоқда. Ахир бу қизиқарли иш, уни яхшироқ ўрганиб олишингизни маслаҳат берган бўлардим. Чунки ҳозирнинг ўзидаёқ амалий маълумотлар, конкрет натижалар бор. Равшанки, бизга ёппасига коллективлаштириш тусидаги ёппасига ижарага беришнинг кераги йўқ. Ёппасига коллективлаштириш қандай натижаларга олиб келгани маълум. Бизга пухта ўйланган аниқ иш керак, ана шу иш натижасида одамлар онгли равишда ўз зиммаларига янги вазифаларни олсинлар, ўзларини янги аҳволга қўйиб, меҳнатнинг яхшироқ натижаларига эришсинлар. Ижара муносабатларини қандай принциплар асосига қуриш лозимлигини ҳар бир киши яққол тасаввур этиши учун бу ишда мутахассисларнинг, иқтисодчиларнинг бамаъни маслаҳатлари, раҳбарнинг манфаатдор позицияси ҳам керак. Чунки ҳисоб-китоблар мураккаб бўлиши мумкин, лекин, мен қандай ишласам, шундай ҳақ оламан, деган оддий формула ҳар бир кишига етиб бориши керак. Бинобарин, яхши мутахассис бунда ишчига ёрдам бериши лозим. Агар мутахассис ёрдам бермаса, меҳнат коллективи кенгаши унинг эгаллаб турган лавозимига мос эмаслиги тўғрисидаги масалани қўйишга ҳақлидир. Чунки бундай мутахассис ижарага ўтиш тўғрисидаги масалани ҳал қила олмайди ёки ҳал қилишни хоҳламайди. Бу соҳада иқтисодчиларнинг, мутахассисларнинг позициясига жуда кўп нарса боғлиқдир.

Сиз қайта қуришни қўллаб - қувватлаётганингизни партия Марказий Комитетига етказаман, ўртоқлар. Донбасс ишчиларининг сўзи биз учун муҳим, у бизга мамлакатимизда авж олдирилаётган жўн бўлмаган ишни бажаришда куч ва ишонч бағишлайди. Қайта қуриш тезроқ боришини, ҳаёт тезроқ ўзгаришини хоҳлаймиз, албатта. Бироқ маълум бўлишича, йилига 2 миллион тонна кўмир қазиб чиқарадиган шахтани 9 йил, ҳатто 15 йил қуришга тўғри келар экан. Бутун мамлакатни эса бирданига буриб юбориш, ҳамма соҳаларда — экономикада ҳам, сиёсатда ҳам, маънавий соҳада ҳам, маданият соҳасида ҳам турмушни бирданига ўзгартиришнинг иложи йўқ, буни яхши тушунасизлар. Бунинг учун вақт керак.

Инсон ва унинг муаммолари асосий қадриятга айланадиган демократик, ўзини ўзи бошқарадиган жамиятни барпо этишни хоҳласак, қайта қуришнинг барча масалаларини ҳам демократик асосда, одамларнинг онги ва туйғулари орқали ҳал қилишимиз керак. Энг олижаноб мақсадларни кўзлаганда ҳам одамларнинг тақдири билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ана шундай даъватлар эса бўлаяпти, сизлар буни эшитиб турибсизлар.

Бундай даъватлар менга ҳамиша енгилтаклик, пухта ўйланмаган иш бўлиб туюлади. Одамлар жойларда қайта қуриш ишида баъзи раҳбарлар ва мутахассисларнинг қаршилигини ҳам, бефарқлик билан ҳаракат қилишини ҳам кўпинча кўриб туришибди. Лекин, келинглар буларнинг ҳаммасидан шунчаки воз кечиб юбормайлик: у ерда кимдир шовқин кўтармоқда, ғазаби келмоқда. Нима учун ана шундай гапларни одамларнинг бир қисми қўллаб-қувватлаётганлигини ўйлаб кўрайлик. Бунинг маъноси шуки, ҳали кадрларимизнинг ҳаммаси ҳам қайта қуришга чинакамига киришганлари йўққа ўхшайди. Ҳолбуки, уларнинг орасида давлат лавозимларини эгаллаб турган коммунистлар ҳам бор. Улар намуна кўрсатишлари, биринчи навбатда қайта қуришни олға силжитишлари лозим. Улар эса баъзан қайта қуришга тўсқинлик қилиш учун, турмуш ва ишнинг йиллар, ўнлаб йиллар давомида вужудга келган олдинги буйруқбозлик услубини сақлаб қолиш учун ўз мавқеларидан фойдаланмоқдалар.

Ҳа, биз ҳар қандай сўл баёнотларни, қайта қуришни сунъий равишда жадаллаштиришга уринишларни олға томон сакраб ҳаракат қилишни қоралаймиз. Бу бўлмаган гап. Бундай сакрашлар олдин ҳам бўлган, улар нималарга олиб келганини сиз билан биз биламиз. Бу ўринда ҳамма нарса равшан, тарих синовидан ўтган. Ўтмишдаги ҳаддан ошишларни ва бузилишларни биз тўғрилаб қўяяпмиз. Биз ана шундай ишларни рад этар эканмиз, шунга қарамай ишларнинг реал аҳволини кўра билишимиз лозим. Қайта қуриш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бораётгани йўқ. Биз коммунистлар, ишчилар синфи буни кўришимиз керак. Бинобарин, ўз мавқемизни мустаҳкамлашимиз, ўз таъсиримизни кучайтиришимиз лозим.



«Донецкгормаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари билан суҳбат пайти.

ТАСС телефотоси.

Донбасс тақдири ҳаммангизни ҳаяжонга солаётганини кўрдим ва кўпгина суҳбатларда эшитдим. Донбасс тақдирининг ўзи нима? Бу ўзларини оғир шахтёрлик меҳнатига бағишлаган юз минглаб одамларнинг ҳаётий истиқболидир. Бу — мамлакатимизнинг энергетика базасидир! Регионингиз аҳолиси билан бутун давлатнинг манфаатлари бир-бирига яқин деб ўйлайман. Бу манфаатлар бир хил. Агар буларнинг ҳаммасини жиддий таҳлил қиладиган бўлсак ва илмий таҳлил негизида ҳатто янги, мураккаб шароитда тағин ҳам унумлироқ ишга ўтиб олсак, шубҳасиз ўлканинг тақдири истиқболлидир. Донбасс тақдирини пухта ўйлаб кўриш лозим. Сизлар Донбасс тўғрисида яна қарор қабул қилишни таклиф этаяпсизлар. Биз ҳозир айрим масалалар юзасидан турли қарорларни камроқ қабул қилишга интилаяпмиз.

Нима учун шундай қилаяпмиз? Ўн учинчи беш йиллик эндигина яқинлашиб келмоқда. Аммо шу қадар кўп илтимос тушдики, улар ўн тўртинчи беш йилликка ҳам етади. Бинобарин, гап биз яқин келажак ва истиқбол мақсадларига эга бўлишимиз ва шу асосда устун йўналишларни белгилаб олишимиз, ишимизни планлаштиришимиз лозимлиги тўғрисида бормоқда. Планли иш кўпроқ бўлиши керак. Ҳукуматга тазйиқ ўтказиш, ресурсларни талашиб-тортишиш, номутаносиблик яхшиликка олиб бормайди. Ана шу маънода донороқ бўлишимиз керак. Биз иқтисодий муносабатларни қайта қуришни бошлаб юбордик, фан-техника тараққиётини олға силжитяпмиз, экономикани инсон томонга, социал масалаларни ҳал қилиш томонига кўпроқ буриб юбориш учун ана шундай қилаяпмиз ва структура сиёсатини ўтказаяпмиз. Мамлакатда, жумладан Донбассда келгуси беш йиллик айни шу негизда тузилади.

Бу ерда энергетика базаси етакчи ўрин тутади. Энергетика ўз номи билан энергетика. Қувватларни ҳам ошириш, айниқса шахтёрларнинг эски посёлкаларида тўпланиб қолган социал масалаларни ҳал қилиш зарур. Баъзи ўртоқлар таклиф этаётганидек, олдин қувватларни барпо этиб, социал-маданий-маиший объектлар, уй-жойларни эса кейинга қолдириб эмас, балки ҳамма муаммоларни комплекс ҳал этиш даркор. Буларнинг ҳаммаси пировардида конкрет натижаларга таъсир қилади. Шу боисдан сизларнинг илтимосингизни, Донбасс тақдири учун асосли ташвишингизни Марказий Комитет ва ҳукумат кўриб чиқиши лозим, деб ўйлайман.

Бу ерда ўртоқлар қайта қуришда фан ва техникадан яхшироқ фойдаланиш тўғрисидаги масалани жуда тўғри қўйишди. Шундай масалалар борки, уларни ҳал қилиш учун академияни, катта фанни жалб қилиш керак. Айтмоқчи, Украинада қудратли фундаменталь фан мавжуд, уни ишга фаол жалб этиш лозим. Аммо энг муҳими — меҳнат унумдорлигининг юксакроқ даражасига чиқиб олиш учун, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини муайян даражада ушлаб туриш учун тармоқларда техника билан қайта жиҳозлаш, техника тараққиёти масалаларини ҳал қилишда ёрдам бера оладиган амалий илмий тадқиқотлар зарур.

(Давоми 2-бетда).

## М. С. ГОРБАЧЕВ Киевдан жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 24 февралда Киевдан Москвага жўнаб кетди.

Аэропортда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, республика Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, жамоатчилик вакиллари кузатиб қўйдилар.

* * *

М. С. Горбачев шу куни Москвага келди.

(ТАСС).

*РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ*

## СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиши: ТЕНДЕНЦИЯЛАР, ТАЖРИБА, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*КПСС Марказий Комитети Давлат-ҳуқуқ бўлими миллатлараро муносабатлар кичик бўлими мудирининг ўринбосари*

*А. А. САЗОНОВ доклади*

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон регионал илмий-амалий конференцияси муҳокамасига қўйилгани регионадаги иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, олимлар, идеология ходимлари КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумига тайёргарлик кўришга ўз ҳиссаларини қўшишга интилаётганликларини таъкидлаб кўрсатмоқда.

Фақат республика миқёсидаги муаммоларнигина эмас, регион ва мамлакат миллатлараро муносабатлар соҳасининг долзарб масалаларини ҳам ёритган Р. Н. Нишоновнинг батафсил докладини ҳисобга олиб, ҳозирги шароитда миллий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг айрим масалаларига, миллатлараро муносабатларда вужудга келадиган муаммолар ва қийинчиликларгагина тўхталиб ўтишни, шунингдек айрим назарий ва амалий муаммоларни шарҳлаб беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Асосий гаплар секцияларда олиб борилади, деб ўйлайман. Бу эса бизга конференция қатнашчиларининг таклифларини жамлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, миллий муносабатлар ривожланишининг айрим муаммолари: тенденциялар, тажриба муаммоларига ўтайлик.

Маълумки, биз миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ишларнинг аҳволини таҳлил қилар эканмиз, бунда экономика, сиёсат, социал, ҳуқуқий жиҳатларга, экология жараёнларига, тил, маданият, турмуш, анъаналар, урф-одатлар, психология масалаларига мурожаат этишимизни социалистик қурилиш тажрибамиз тасдиқлаб турибди. Бунинг маъноси шуки, кўп миллатли мамлакатимиз социал турмушининг қайси соҳасини таҳлил қилмайлик, албатта, миллий муносабатлар, унинг ҳар икки даражасига — ижтимоий ва шахсий даражасига тааллуқли муносабатларига бориб тақаламиз.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси кўпгина назарий ва амалий саволларга жавоб қайтарди, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг йўлига мувофиқ жамиятни янгилаш прогнозлари ва истиқболларини тасдиқлади. Бу нарса конференциянинг миллатлараро муносабат масалаларига оид материалларида акс этади.

Бу соҳада революцион ўзгартишлар қилмай туриб, қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмаслигини таҳлил натижалари кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам КПСС Марказий Комитети мазкур масалага бағишланган Пленумга тайёргарлик кўриш чоғида олимларнинг, партия, совет ходимларининг фикрини эшитишни зарур, деб топди ва бир қанча регионал конференциялар ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Биринчи бўлиб сизларнинг конференциянгиз ўтказиляпти.

Умуман мамлакатдаги миллий сиёсатнинг ютуқлари докладда етарлича батафсил кўрсатиб берилди. Жамиятимизнинг ҳозирги ҳолатини шу ютуқларсиз объектив баҳолаб бўлмайди. Аммо биз, умумий хонадонимизда нималар рўй берди, деган саволга жавоб қайтармасак ҳолисона иш тутмаган бўлур эдик.

Олмаотада 1986 йил декабрида бўлиб ўтган воқеалар, кейинги йилларда Тоғли Қорабоғда ва унинг теварагида — Озарбайжон ва Арманистонда рўй берган воқеалар, бир қанча халқлар намояндаларининг автономчилик ҳаракатлари, Балтика бўйидаги, Украина ва Молдавиядаги жараёнлардан биз қандай хулосалар чиқаришимиз керак.

Тарихий ғалабаларни камситмай, ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш лозим. Кейинги йилларда бир қанча регионларда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашганлиги, миллатчилик, шовинизм машмашалари сабабларининг илдизлари ўтмишдаги ўн йилликларга бориб тақалади. Умумий хонадонимизда нималар бўлди, деган саволга XIX партия конференцияси жавоб қайтарди:

— Советлар кўп миллатли давлатини тузишнинг биринчи, илк ленинча босқичига хос жўшқинлик бой бериб қўйилди;

— ленинча миллий сиёсат принципларидан чекиниш содир бўлди;

— шахсга сиғиниш даврида қонунчиликни бузиш, 30, 40-йилларда, 50-йилларнинг бошларида ҳатто бир қанча халқларга қарши жабр-зулм, репрессиялар рўй берди;

— миллий масалани ҳал этишда эришилган натижалар мутлақлаштириб юборилди;

— бу соҳадаги салбий тенденциялар тилга олинмади;

— миллий худбинлик ва кибр-ҳаво, маҳаллийчилик ва тайёрга айёрлик кўринишларига муносиб партиявий баҳо берилмади.

XIX партия конференцияси миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини изчиллик ва сабот билан ижодий ривожлантириш, уларни бузишлар ва сунъий ишкалликлардан қатъият билан халос этиш вазифасини тарихий аҳамиятга молик вазифа, деб белгилаб берди. Марксча-ленинча интернационалистик идеология бунинг учун асос бўлиб хизмат қилади, бу идеология шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай турлари билан чиқишмайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига, СССР Олий Совети Президиумига, марказий оммавий ахборот воситаларига кейинги бир ярим—икки йил мобайнида меҳнаткашлардан миллий сиёсат, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар айтилган кўпгина хатлар тушди. Бу таклифларнинг кўплари КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материалларида ҳисобга олинган. Конференциядан кейин орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳозир мамлакат Пленумга кўрилаётган тайёргарликни синчиклаб кузатиб турибди, радио, телевидениедаги ўткир мунозараларда, хатларда қуйидаги қоидалар:

— янги тарихий бирлик бўлмиш совет халқи тўғрисидаги;

— СССРдаги миллий масалалар ҳал этилганлиги ёки ҳал этилмаганлиги ҳақидаги;

— айрим республикаларга нисбатан «тайёрга айёрлик» кайфиятлари иборасини ишлатиш тўғрими йўқми эканлиги тўғрисидаги;

— ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини маҳаллийлаштириш ва аниқ белгилаб қўйиш тадбирлари ҳақидаги;

— республика ва регион хўжалик ҳисоби тўғрисидаги;

— иттифоқдош республикаларнинг суверенлиги ҳақидаги;

— миллий-давлат тузилиши тўғрисидаги;

— ўз давлат-территориал тузилмаларидан ташқарида яшайдиган ёки шундай тузилмаларга эга бўлмаган миллатлар тўғрисидаги;

— миллий тиллар ва икки тиллик ҳақидаги;

— миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тили тўғрисидаги;

— миллий ўзлигини англаш ва маданий ўзига хослик ҳақидаги;

— интернационал белгилар билан миллий белгиларнинг нисбати тўғрисидаги;

— миллийлик ва миллатчилик ҳақидаги;

— миллийлик ва динийлик тўғрисидаги;

— миллий жараёнларни бошқариш структуралари ва бошқалар ҳақидаги қоидалар қизғин муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий, социал ва интернационал бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги партиянинг бир қанча ҳужжатларида, СССР Конституциясида қайд этилган.

XIX партия конференциясининг қарорида: «Янги тарихий бирлик — совет халқи реаллик бўлиб қолди» деган таъриф берилган.

Бир қанча регионлардаги баъзи гражданлар бу таърифга салбий назар билан қараётганларини айтмоқ керак. Чунончи, Украина ёзувчилар союзининг пленумида таниқли шоирлардан бири уни «брежневча турғунлик» таърифи, деб атади. Эстония, Латвия ва Литвадаги бир қанча ижодий союзларда ҳам шу таърифга салбий муносабат билдирилди.

Ҳозир «совет халқи» тушунчасини қабул этмаслик айрим жойларда СССР ва иттифоқдош республикалар учун алоҳида-алоҳида гражданликни жорий қилиш тўғрисидаги талаб билан боғланаётганини эътиборга олмоқ керак.

Масалани бу тарзда қўйиш моҳият эътибори билан миллий белгига қараб камситишга олиб боради.

(Давоми 4-бетда).

## ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР, ҚИЗҒИН МУНОЗАРА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг «Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги регионал илмий-амалий конференция 24 февраль куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг, СССР Фанлар академияси бир қанча институтларининг олимлари бошқараётган секцияларнинг мажлисларида қизғин мунозара авж олиб кетди.

Қардош республикалар делегацияларининг вакиллари, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, конференциянинг бошқа қатнашчилари бир қанча муҳим масалаларни муҳокама қилишди. Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида регионни ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал муаммоларини ҳал этишда партия-раҳбарлиги даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Регион аҳолисини ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашнинг ҳозирги аҳволи ва муаммолари, миллатлараро муносабатлар жараёнини бошқариш ҳамда интернационал тарбиянинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди. Конференция қатнашчилари «Жамиятда маънавий жараёнлар ва интернационалистик тафаккурни шакллантириш. Миллий муносабатлар ва дин» деган мавзуда фикрлашиб олдилар.

25 февраль куни якунловчи ялпи мажлисда конференция иши натижалари чиқарилади.

(Регионал илмий-амалий конференция қатнашчиларининг қўшимча докладлари газеталарнинг навбатдаги сонларида эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

# ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СОҲАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман сизлар масалани тўғри қўяпсизлар, бу масала устида ишлаш керак. Ҳозир фан ҳам ўз ишини қайта қурмоқда. Чунки, умуман олганда бундан бир неча йил муқаддам олимларнинг илмий ишланмаларига, маслаҳатларига ва холисона баҳоларига унча муҳтож эмасдик. Иш шундай бўлган эдики, фанга қабул қилинган қарорларни пропаганда қилиш ёки шарҳлаб бериш роли ажратилган эди. Бу эса фанимизни қийин аҳволга солиб қўйди. Шу сабабли ҳозир фан ҳам асосли равишда қайта қурилиши керак. Менимча, олимларни реал жараёнларга жалб этиш ғоят зарур. Янги илмий ишланмалар керак, токи фан янги хўжалик усулларини, янги иқтисодий муносабатларни у ёки бу тармоқда жорий этишга ёрдам берсин. Ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Жумладан, Донбассда ҳам ўзига хос муаммолар оз эмас. Биз бу муаммоларни кўриб чиқиш учун тегишли топшириқ берамиз.

Сизларда кўп нарса қурилиш базаси, бинокорлик материаллари саноати яхши ривожланмаганига бориб тақалаётганига Украинада яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги пайтда бу танг соҳа бўлиб, бизнинг кўпгина планларимиз, айниқса корхоналарни реконструкциялаш, социал жиҳатдан қайта қуришга оид планларимиз ана шу танглик оқибатида бузилиши мумкин. Шу сабабли биз буни яхши тушуниб турибмиз дея оламан. Ҳозирги вақтда қурилиш базасини, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қурилишнинг янги усулларига ўтиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Аммо корхоналарда ҳар бир коллективнинг қурилишни кенгайтириш ички резервлари мавжуд. Ана шу резервларни ҳам топиб, улардан яхшироқ фойдаланиш керак. Бу резервлар шахта ишлаб чиқаришининг чиқитлари, бошқа нарсалар бўлиши мумкин. Капитал қурилишни умуман яхшилаш жиҳатидан қайта қуриш берадиган ҳамма имкониятлардан фойдаланиш зарур, лекин такрор айтаманки, жойларда ўз резервларингизни тағин ҳам ғайрат билан ишга солишингиз лозим.

Яқин вақт ичида қурувчиларимиз ишини ҳам янги усулга ўтказиш масаласи ҳал қилинади. Гап шу ҳақда бормоқдаки, қурувчиларда кучли моддий омиллар пайдо бўлади, уларнинг зиммасига кўпроқ масъулият тушади. Қурувчилар кредит оладилар ва шу кредит ҳисобига ишлаб берадилар. Материаллар ва маблағларни талонторож қилишга, қурилишнинг узоқ давом этишига олиб борадиган ҳозирги ёндашувлар учун, маълумки, ҳозирча буюртмачилар ва давлат ҳақ тўламоқда. Энди ишни бу тарзда олиб бориб бўлмайди, ўртоқлар.

А. И. Плошчикнинг нутқи менга маъқул бўлди, у демократиялаш, коммунистлар ташаббускорлигини ривожлантириш принциплари асосида партия фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига тўхталди. Мен бу фикрга қўшиламан. Коммунистлар ўзлари муносиб, деб ҳисоблаган кишиларни етакчиликка қўйишлари учун раҳбарларни тўғридан-тўғри сайлаб қўйиш керак.

Пул маблағларини сарфлаш масаласи ҳам муҳим. Биз маблағларнинг бир қисмини республикаларга бера бошлаймиз, республикалар эса партия ташкилотларига берадилар. Ана шундай имконият бор. Биз бу масалани ҳал қиламиз. Партия ходимларининг иш ҳақи масаласи ҳам кўндаланг турибди. Бу ҳақда Кемерово областидаги ўртоқлар билан суҳбатлашган эдим. Улар ҳозир амалда партиявий ишга ҳеч кимни олиб бўлмаяпти, дейишди. Озми-кўпми иш биладиган, обрўли, гапига халқ қулоқ соладиган, одамлар у билан маслаҳатлашиш учун борадиган кишиларнинг иш ҳақи ойига 600 сўмдан 800 сўмгача етади. Қишлоқ район партия комитети секретарининг маоши эса 320—330 сўм. Колхоз раиси ўртача бир оклад, йил якунларига қараб яна бир неча оклад, яъни ойига 600 сўмдан 1200 сўмгача пул олади. Юз берган аҳволда район партия комитетининг секретари оладиган маошнинг амалдаги даражаси жиҳатидан бўлим бошқарувчиси ёки катта бригаданинг бошлиғи даражасида туради. Хуллас, бу соҳада зиддият борлиги равшан. Биз партия ходимлари одамлардан ажралиб қолмасликлари учун уларнинг маошини оширишга ҳеч қачон шошилмаганмиз. Аксинча, аввало халқ хўжалигининг ҳал қилувчи соҳаларида ишлаётганларнинг маошини оширганмиз. Бироқ, ҳозир мамлакатдаги барча ўзгаришлар нуқтаи назаридан бу масалани ҳам кўриб чиқадиган вақт келганга ўхшайди.

Умуман суҳбатимиз ҳозирги вақтда бутун куч, билим ва тажрибани ҳар бир соҳада, ҳар бир йўналишда қайта қуришни олға силжитишга сарфлаш лозимлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Шу куннинг бош шиори қуйидагичадир. Конкрет ишлар кўпроқ бўлсин, барча масалаларни муҳокама қилишда ошкоралик, демократизм кўпроқ бўлсин, барча ташкилотлар фаолиятини меҳнаткашлар кўпроқ назорат қилиб турсинлар. Асосий диққат амалий ишларга қаратилсин. Шу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар бу учрашувдан биз тўғри йўлдан бораётганимизга қатъий ишонч билан қайтадилар, деб ўйлайман. Донбасснинг шахтёрларига, барча ишчиларига қайта қуришда катта муваффақиятлар тилайман.

(ТАСС).

# ҚАЙТА ҚУРИШ — МАМЛАКАТ БАРЧА ХАЛҚЛАРИНИНГ ИШИ

## *М. С. Горбачевнинг меҳнаткашлар билан Киев шаҳридаги учрашувда сўзлаган нутқи*

КИЕВ, 23 февраль. (ТАСС). Бугун кечқурун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Киев шаҳри ва области меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтди. «Украина» маданият саройига ишчилар ҳамда колхозчилар, шаҳар ва областнинг партия ва совет активлари, жамоатчилик, фан-техника ва ижодкор зиёлиларнинг вакиллари, партия, меҳнат ветеранлари ва ёшлар, Совет Армиясининг жангчилари келдилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, республика Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол бор эдилар.

Учрашувни Киев шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. И. Масик очди.

Ўртоқ М. С. Горбачев йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади. Нутқ эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.



Учрашув пайти.



Ю. Лизунов ва А. Чумичев фотолари. (ТАСС).

* * *

Азиз ўртоқлар! Сизларни — Совет Украинасининг ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари, партия, давлат ва хўжалик ходимлари намояндаларини, сизлар орқали бутун халқини чин кўнгилдан табриклайман. **(Қарсаклар).**

Менинг бу ерга қилган ташрифим ниҳоясига етай деб қолди, шу кунларда Украина пойтахти — Киевда ҳам, Донецк, Львов ва Киев областларида ҳам бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлардан ғоят мамнунман.

Украина диёрида бу галги бўлишимдан олган энг муҳим таассуротим — қайта қуриш давом этибгина қолмай, кучайиб ҳам боришидан, бу иш кимга боғлиқ бўлса, мана шу кишилар қатъият билан ҳаракат қилишларидан, биз ҳаммамиз ўтказилаётган ислоҳотлар ва ўзгартишларнинг натижаларини тезроқ сеза олишимиздан жонкуярлик ва талабчанлик руҳидаги манфаатдорликни ҳис этдим.

Донецкда, шахтёрлар билан бўлган учрашув вақтида бир ишчи: «Кўп гапирилди, етар, энди ишга ўтиш пайти келди», деб айтди. Тўппатўғри ва аниқ-равшан гап бу. Мен бу гапга шундай жавоб қайтараман «кўпроқ аниқ ишлар бўлсин, бугуннинг шиори мана шу!» **(Қарсаклар).** Қайта қуришнинг муваффақияти учун ҳозир биринчи галдаги зарур нарса айни амалий ишни кучайтиришдан иборат.

Ишчилар синфи, бутун халқ қайта қуриш тарафдори эканини шу ерда, Украинада жуда яхши сезиб олдик. Орқага қайтиб бўлмайди, бироқ қайта қуришнинг аниқ-равшан натижалари керак — Украина меҳнаткашларининг фикри мана шундай. Бу — жиддий мадад, ўртоқлар. Биз бу мададни партия Марказий Комитетида юксак даражада қадрлаймиз.

Шу кунларда марказ шаънига ҳам, республика органлари шаънига ҳам танқидий мулоҳазалар эшитишга тўғри келганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Шу кунларда ўзини ўзи танқид руҳида айтилган кўпгина гапларни ҳам эшитганлигим менда катта таассурот қолдирди. Раҳбарларни танқид қилиш бизнинг қадимий анъанамиз эканини биласизлар. Бу ерда эса мен кўп кишилар ўзлари қилган ишларидан мамнун эмасликларини сезиб олдим. Шахтёрлар билан учрашувда А. Я. Колесников ўз нутқида шу фикрни жуда ривожлантирди. Мен ўз сўзининг устидан чиқадиган, юксак ишчи ахлоқи соҳиби бўлган А. Я. Колесниковга жуда ишонаман. Ишни яхшилаш, иқтисодий, социал, идеологик вазифаларни ҳал этиш, демократиялаш жараёнларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш юзасидан аниқ-равшан таклифлар ўртага қўйилди.

Очиғини айтсам, бу нарса мени жуда хурсанд қилди. Чунки фақат ялпи куч-ғайратлар билангина мамлакатни ривожлантиришнинг янада кенг йўлига олиб чиқиш, жамиятимизни янгилаш мумкин. Афсуски, ҳали ҳамма кишилар ҳам қайта қуриш жараёнига чинакамига киришганлари йўқ, баъзи бировлар эса бир кунмас бир кун қайта қуриш сўниб қолади ва ҳаммаси яна эски йўлга қайтади, деб гарчи беҳуда бўлса ҳам умид қилмоқдалар. Бундай кайфиятлар ҳам бор, биз ўз ишимизда шуни эътиборга олишимиз керак.

Сиз билан бизнинг учрашувимиз сайлов кампанияси авж олган пайтда ўтмоқда, ўртоқлар. Шу кампания давомида совет кишилари ички ва ташқи сиёсатнинг ҳамма асосий масалаларини келгуси беш йилда ҳал этиш кимларга ишониб топширилишини белгиламоқдалар. Мана шундай даврда қандай бўлмасин ҳар бир киши мамлакатнинг тақдири ҳақида, унинг ўтмиши ва келажаги ҳақида ва, албатта, ҳозирги муаммолар устида фикр юритиши мутлақо табиийдир.

Партия халқни мамлакатни революцион янгилашга даъват этганига яқинда тўрт йил тўлади. Шу вақт ижтимоий-сиёсий турмушнинг мислсиз интенсивлиги билан нишонланди. Совет жамиятининг ҳозирги қиёфаси ва ўзини ўзи англаши 1985 йилдаги аҳволдан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Турғунлик муҳити ўрнини ошкоралик, қизғин мунозара, бизни кризисолди ҳолатига келтириб қўйган ҳамма иллатларни муросасизлик билан пировардигача суриштириб билиб олиш, халқимиз вужудидаги қудратли куч-ғайратни ошириш қатъияти олди.

Ҳозир биз қайта қуришнинг энг масъулиятли пайтларидан бирини бошдан кечиряпмиз, дейиш мумкин, энди қайта қуриш фикр-ўйлар, режалар ва программалар соҳасидан чиқиб, амалиётга ўтмоқда, ижтимоий тараққиётнинг амалдаги жараёнларига кириб бормоқда, социал-иқтисодий ва сиёсий ташкилотнинг янги шаклларида мужассамлашмоқда. Қайта қуриш ҳамма соҳаларга сингиб бормоқда, турли социал қатламларнинг манфаатларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Қолаверса, ҳар бир оиланинг, ҳар бир кишининг манфаатларини ҳам қамраб олмоқда. Ҳозир у энг жиддий синовдан, турмуш синовидан ўтмоқда.

Мана шундай бурилиш пайтларида пухта ўйлаб, вазминлик билан иш тутиш ва аҳиллик билан ҳаракат қилиш, айниқса, муҳимдир. Турғунлик давридан ҳаракатга, эҳтиросларни туғён урдиришга тез ўтиш чоғида тўғри йўлдан адашмаслик, аниқ мақсадни кўзлаб изчиллик билан ҳаракат қилиш, қандайдир тасодифликлар бизни четга буриб юборишига ёки биз вазиятнинг янгилигидан, ғайриодатийлигидан чўчишимизга, қайта қуришни секинлаштиришимизга йўл қўймаслик бениҳоя муҳимдир. Мана шуларнинг ҳаммаси зиммамизга ғоят эътиборли, камарбаста ва масъулиятли бўлиш ва айни вақтда қайта қуриш сиёсатини амалга оширишда қатъиятли бўлиш вазифасини юклайди.

Ташаббусни қўлдан бой берган, вужудга келган имкониятдан фойдаланмаган кишиларни тарих кечирмайди. Иш ҳозир айни мана шундай. Биз мамлакатимизни иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётнинг янги марраларига олиб чиқиш борасида қайта қуриш очган имкониятни қўлдан бой беришимиз мумкин эмас.

Сиз билан бизнинг ҳаракат планимиз бор. Бу план ҳозир жуда аниқ-равшан белгилаб олинган. Бу — туб иқтисодий ислоҳотдан, Советлар ҳокимиятини қайта тиклашдан, партияни қайта қуришдан ва унинг жамиятнинг сиёсий авангарди сифатидаги имкониятини намоён этишдан, ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборат. Умумлашма тарзда гапирадиган бўлсак, гап совет жамиятимизни ҳар томонлама демократиялаш орқали янгилаш, инсонга эътиборни кучайтириш ҳақида бормоқда.

Бироқ, программанинг ўзи билан иш битмайди — буни сизлар яхши тушунасизлар, деб ўйлайман. Сийқа одатлар кучини, эскиликнинг қаршилигини бартараф эта оладиган, сусткашлик иллатларини чилпарчин қилиб, жамиятни жўшқин ривожланиш йўлига олиб чиқа оладиган зўр ижтимоий куч-ғайрат керак. Бу куч-ғайратни қайта қуришнинг ўзи, ўзгартишларнинг кенг миқёси ва теранлиги юзага келтиради. Революцион ўзгартишлар одамларнинг қаддини ростлади, барча социал кучларни ҳаракатга келтирмоқда.

Ишчилар синфининг активлиги қандай ошаётганини, у ўз олдида турган вазифаларни қандай тушунаётганлигини намоён этаётганини кўриб турибмиз. Гарчи хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтиш осонгина ва бемалол кечмаётган бўлса-да, ҳамма ишда ҳам дарҳол сезиларли ижобий натижалар бермаётган бўлса-да, ишчилар истиқболни кўриб туришибди, бутун мамлакатнинг келажагини ҳам, ўзининг келажагини ҳам қайта қуриш билан боғламоқдалар. Ишчилар билан КПСС Марказий Комитетида яқинда ўтказилган учрашув буни яна бир бор ишонарли тарзда тасдиқлади, шу кунларда республикада бўлиб ўтган суҳбатлар ҳам бундан далолат бериб турибди.

Жамиятнинг тўла ҳуқуқли синфи бўлмиш деҳқонларимизга яна ҳурмат билан қарала бошлади. Деҳқонлар ҳам буни сезмоқдалар, қаддиқоматларини ростлаб ола бошладилар. Совет қишлоғи чуқур ўзгаришлар бўсағасида турибди.

Мамлакат учун мана шу бурилиш даврида зиёлиларимизнинг энг яхши кучлари халққа, қайта қуриш ғоялари ва ишига хизмат қилишга ўз билимлари ва истеъдодларини бағишламоқдалар.

Ижтимоий онгда, одамларнинг кайфиятида рўй бераётган жараёнларни соддалаштириб кўрсатиш ярамайди, албатта. Чунки гап кўп йиллар давомида вужудга келган бутун турмуш тарзини, одатларини, тасаввурларни бутунлай парчалаб ташлаш ҳақида бормоқда. Бундай ўзгартишлар осонликча бўлмаслигини, баъзан нозик ҳодисалар ҳам учраб туришини энди ўз тажрибамиздан биламиз. Биз бошдан кечираётган тарихий бурилиш шароитида шундай бўлиши табиий. Биз нақадар мураккаб ва кенг миқёсли, чинакам революцион ишга киришганимизни эътиборга оладиган бўлсак, вазиятни таҳликали қилиб кўрсатиш учун асос йўқ. Шу муносабат билан қайта қуришнинг ҳозирги босқичида бизнинг зиммамизга тушадиган жуда катта масъулият ҳақида гапирмай ўтиб бўлмайди. Биз натижаларни баҳолашга жуда талабчанлик билан ва ўзини ўзи танқид руҳида ёндашмоғимиз керак. Бу ўринда хом хаёлга берилмаслик ва саросимага ҳам тушмаслик жуда муҳимдир.

Қайта қуриш ҳамма нарсани тезроқ ўзгартириб юборишини ва биз турғунлик ҳолатлари барҳам топди, деб айта олишимизни жуда хоҳлар эдик, албатта. Аммо бунга ҳали эрта. Ҳақ гап шуки, бурилиш эндигина бошланмоқда, мамлакатни соғлом ривожланиш йўлига олиб чиқиш учун зарур сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. Бироқ, қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлашга қодир бўлган бирдан-бир ҳаракатлантирувчи куч тўла қувват билан ҳали ҳам ишлай бошлагани йўқ. Буни мен демократияни, ўзини ўзи бошқаришни, қайта қуриш жараёнларига ҳамма ва ҳар бир кишини фаол жалб этишни назарда тутаяпман.

Зўр ғайрат билан қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Биз бу ишларни уддалай оламиз. Асосий хулоса шуки, туб иқтисодий ва сиёсий ислоҳот, жамиятни маънавий ва ахлоқий тиклаш йўлидан қатъият билан бораверишимиз керак. Ҳеч қандай тўсиқлар олдида тўхтаб қолмаслик, босиб ўтилган йўлни эътибор билан танқидий таҳлил этиш, зарур сабоқлар чиқариб олиш, ишимизга турмуш тақозо этаётган тузатишларни киритиш, қайта қуриш ишини сабот билан, қадам-бақадам илгари силжитиш лозим. Умуман шундай демоқчиман: ҳар қандай революция каби ҳозирги қайта қуриш ҳам — заиф ва қатъиятсиз одамлар учун бир машғулот эмас. Бунга биз ўз тажрибамизда қайта-қайта ишонч ҳосил қилаяпмиз.

Ўртоқлар! Энди мен ҳозир совет кишиларини ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ қизиқтираётган, сайловолди мунозарасининг марказида турган масалаларга тўхталмоқчиман.

Умуман қайта қуриш ҳам, унинг таркибий қисми бўлган ҳамма ислоҳотлар ҳам пировард натижада бош мақсадга — социализмнинг инсонпарварлик қиёфасини намоён этишга ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Шундай қилиш кераки, инсон, унинг муаммолари, унинг кайфияти, унинг бутун кундалик турмуши жамият ишларининг марказида бўлсин.

Биз инсон қайта қуришнинг бош мақсади ва шу билан бирга революцион ўзгартишларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб айтаяпмиз ва шу гапни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Шу боисдан ҳам дастлабки пайтлардаёқ демократиялаш, ошкоралик жараёни орқали жамиятда ҳар бир совет кишисининг ўзлигини англаб олишига, ўзининг қобилиятлари ва истеъдодларини намоён этишига, жамият ва давлатнинг ҳамма ишларида фаол қатнашишига имкон берадиган янги муҳитни вужудга келтириш ҳаётий муҳим иш бўлган эди.

Ишни шундан бошлаш керак эди, зеро жамият муҳитининг ўзини ўзгартирмай туриб ҳеч қандай қайта қуриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу соҳада биз ҳозиргача кўп иш қилдик. Келгусида ҳам иқтисодий турмушни демократиялаш, Советларни чинакам халқ ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари тарзида қайта тиклаш ҳақиқий халқ тузуми бўлган, ҳокимият ва мамлакат тақдири меҳнаткашларнинг ўз қўлида бўлган социализмнинг жуда катта имкониятларини очишга кўмаклашади, бунга бизнинг ишончимиз комил.

Қайта қуришнинг муваффақияти баландпарвоз сўзлар билан ва қандайдир мавҳум мезонлар билан эмас, балки уй-жойнинг, озиқ-овқатнинг, халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг миқдори ҳамда сифати, одамларнинг хилма-хил моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бутун ишни қатъиян яхшилаш каби ҳаётий кўрсаткичлар билан ўлчанишини қайта қуришнинг дастлабки пайтларидан бошлабоқ тушуниб турибмиз.

Қайта қуришнинг илк босқичидаёқ актив социал сиёсатни ишлаб чиқиш зарурлиги эътироф қилинган эди. Бу шунчаки сўзлар эмас, биз барча поғоналарда экономикани социал жараёнлар сари буриб юбора бошладик, ресурсларни социал соҳа фойдасига қайта тақсимлашга киришдик.

Кўп йиллик турғунликдан кейин уй-жой қурилишида унинг миқёслари кенгая бошлади. Халқ учун бениҳоя муҳим бўлган соҳалар — соғлиқни сақлаш ва халқ таълимига қўшимча катта маблағ сарфладик.

Айниқса, Ноқоратупроқ ўлкада йўллар қурилишига кўп маблағ ажратилди.

Биз истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга тузукроқ омил бахш этиш учун структура сиёсатини ўзгартириш чораларини амалга ошираяпмиз. Истеъмол молларини кўпайтириш соҳасида саноат ишлаб чиқаришининг умумий кўпайишига нисбатан анчагина илдамликка биринчи бор эришилди.

Мудофаа тармоқларини енгил ва озиқ-овқат саноатини тубдан техникавий реконструкциялашга жалб қилиш бизнинг шароитимиздаги революцион тадбир бўлди. Ҳозир юзлаб мана шундай корхоналар мазкур мақсадга хизмат қилмоқда. Истеъмол буюмларининг ўзини ишлаб чиқаришда ҳам мудофаа корхоналарининг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда аҳолига хизмат қилиш соҳасидаги ўсиш 10 процентдан ошмоқда. Кооперативларни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Беш йиллик мобайнида дон етиштириш йилига ўрта ҳисобда аввалги беш йилликнинг шу кўрсаткичларига нисбатан 7,5 миллион тонна, яъни 19 процент кўпайди, сўйилган вазндаги гўшт 539 минг тонна (15 процент), сут етиштириш қарийб 2 миллион тонна (9 процент) ва тухум етиштириш 1,4 миллиард дона (9 процент) кўпайди.

Энг муҳими ҳам шуки, туб иқтисодий ислоҳот йўлида бутун экономикани соғломлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратилмоқда. Катта-катта программалар амалга оширилмоқда, булар орасида мен мамлакатимиз машинасозлигини модернизациялаш программасини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман.

Буларни гапираётганимнинг боиси нимада? Экономикамиз эртага қандай бўлиши, у инсонга қандай хизмат қилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ биз самарадорликни сеза бошладик — биринчи марта саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига ва ҳатто ишловчилар сонини бироз қисқартириш шароитида давом этмоқда. Бу ўзгаришлар рўй бераётганлиги Украина экономикасининг ривожланиши натижаларидан ҳам кўриниб турибди. Бу ерда миллий даромад, саноат ишлаб чиқариши, натурал ҳолдаги маҳсулотнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш беш йиллик планда кўзда тутилганидан тезроқ кўпаймоқда. Ўсишнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Мактаблар, касалхоналар, поликлиникалар режалаштирилганидан кўпроқ ишга туширилди. Республикада пландан ташқари 200 мингтадан кўпроқ квартира қурилди.

Хуллас, экономикада ўзгаришлар бошланди, кўпгина салбий тенденияларнинг амал қилишини тўхтатишга муваффақ бўлинди, бу эса социал соҳада бир қанча муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аммо ишларнинг аҳволи ҳозирча мураккаблигича қолмоқда. Кўп ҳолларда одамлар турмуш шароитлари яхшилик сари ўзгарганини сезмаганликлари эса бизни ташвишга солмоқда. Биз кўпгина муаммоларни — ўтмишдан сарқит бўлиб қолган муаммоларни ҳам, хўжалик юритишнинг бир системасидан иккинчисига ҳозирги ўтиш жараёнида пайдо бўлган муаммоларни ҳам ҳал қилишимиз лозим.

Аҳолининг таъминоти, истеъмол бозорини нормаллаштириш, шубҳасиз, ҳозирги энг ўткир масала, ўртоқлар. Аҳволнинг ғалати жиҳати шундан иборатки, бир томондан кейинги уч йил мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам, ноозиқ-овқат молларини ҳам ишлаб чиқариш амалда кўпайди. Бултур чакана товар обороти ва пулли хизматлар ҳажми рекорд даражада ошди. Иккинчи томондан эса кўпгина моллар мутлақо етишмаётганлиги сезилиб турибди. Биз Марказий Комитетга, Олий Совет Президиумига, СССР Министрлар Советига тушаётган хатлардан шуни кўриб турибмизки, меҳнаткашлар моллар танқислигини, сурункасига навбат кутиб туришларни, тақчил моллар чайқов қилинаётганини қайта қуришга қарши ҳаракат, деб баҳоламоқдалар, яқин вақт ичида аҳволни яхшилаб олиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилмоқдалар.

Мана ўша хатлардан бири — Каховка шаҳридан ўртоқ Дмитриев бундай деб ёзибди: «Ҳурматли Михаил Сергеевич! Менинг назаримда, Украинада зимдан қаршилик ҳаракатлари қилинмоқда. Магазинларда макарон, кондитер маҳсулотлари, конфет, печенье, гугурт, кир ювиш порошоги, совун йўқ бўлиб қолди. Ноннинг сифати ҳаддан ташқари ёмон. Мана шу камчиликларнинг ҳаммаси учун қайта қуришни гуноҳкор қилмоқдалар». Бундай хатларни ўқиганда одамга алам қилади, Украинадан бошқа жойлардан ҳам шундай хатлар келиб турибди.

Нима бўляпти ўзи — кўп ишлаб чиқаряпмизу, аммо аввалгидан ёмонроқ яшаяпмиз, шекилли? Бу — жуда жиддий масала, сиёсий масала, буни суриштириб кўриш керак.

Бозорнинг номутаносиблиги қийинчиликларнинг асосий сабабидир, бу эса ўз навбатида мамлакатнинг молиявий аҳволи ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан ва шунингдек моллар ишлаб чиқариш етарли ривожланмаганлиги билан боғланган. Молиявий қийинчиликлар энди келиб чиққани йўқ. Бу қийинчиликлар асосий умид экономика самарадорлигига, сифатга, пировард натижага эмас, балки ялпи кўрсаткичларга, нефтдан тушадиган пулларга ва бюджетнинг ортиқча сарф-харажатини тобора кўп миқдорда спиртли ичимликлар сотиш ёрдамида қоплашга боғланган замонлардан сарқит бўлиб қолган.

Ҳозир биз экономикадаги ёндашувларни ўзгартираяпмиз, бироқ, ўтмишда тўпланиб қолган муаммолар юки халқ хўжалиги гарданига тушмоқда. Биз пулнинг қадрсизланиш жараёнларини тўхтатишга, товар билан таъминланмаган пул миқдорини камайтиришга ҳозирча муваффақ бўлганимиз йўқ. Бунинг устига хўжалик юритишнинг янги усуллари жорий этилган пайтда ҳам кўп кишилар сифатли моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг реал натижалари билан боғлиқ бўлмаган тарзда даромад олиш йўлларини усталик билан сақлаб қолмоқдалар. Шу сабабли бултур ҳам иш ҳақи меҳнат унумдорлигидан тезроқ кўпайди. Демак, биз кўп ҳолларда ишлаб топилмаган пулларни тўлаб келаяпмиз.

Бироқ, бу салбий ҳодисаларни қайд этиш билан иш битмайди, албатта. Уларни бартараф этиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўриш керак. Бу масала Марказий Комитетда ва ҳукуматда махсус муҳокама қилинди. Бу соҳада моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва савдо шохобчасини кенгайтириш вазифаси биринчи ўринга чиқарилмоқда. Бу йил биз чакана товар обороти ҳажмини қарийб 30 миллиард сўм миқдорида кўпайтиришимиз лозим. Бу — бултургидан 1,3 баравар кўп. Аҳолига кўрсатилаётган хизматни кўпайтириш суръатларини анча ошириш белгиланган. Бу соҳадаги кўп иш марказга ҳам, республикаларга ҳам ва, айниқса, жойлардаги амалий ишга ҳам боғлиқдир. Шу мақсадда кооперациянинг ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг имкониятларидан фойдаланиб, анчагина иш қилса бўлади.

Ўтган кунларда учрашув ва суҳбатлар чоғида мен бу муаммолар Украинада қандай ҳал этилаётганини қизиқиб суриштирдим. Бу муаммоларнинг муҳимлигини ҳозир ҳамма тушуниб турибди, деб ўйлайман. Аммо мазкур масалалар хусусида Киевда ҳам, Львовда ҳам, Донецкда ҳам кўпгина мулоҳазалар эшитдим. Шу сабабли бу ерда республикада аҳолининг пулли хизматларга бўлган эҳтиёжлари оқилона нормаларга нисбатан ҳозирча 35—40 процент атрофида қондирилаётганини айтмоқ керак. Иш ҳақининг бир сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган уч йил мобайнида Киев шаҳри ва Киев областида ҳатто қисқариб кетган, Донецк ва Львов областларида эса атиги 3—4 процент ошган.

Қўшимча пул чиқарилиши ҳам хизмат кўрсатиш ва моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг аҳволи яхши эмаслигидан дарак беради. Чунончи, беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бир неча миллиард сўм қўшимча пул чиқарилди. Бундан жиддий хулосаларга келиш керак, ўртоқлар.

Бозорни ва пул муомаласини нормал изга солиш молиявий аҳволни соғломлаштириш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Биз давлатнинг харажатларини имкониятлар билан мумкин қадар тезроқ мувофиқлаштириб олишимиз керак. Аммо биз молиявий муаммоларни нархларни асоссиз равишда ошириш йўли билан, меҳнат қилиб топилган маблағ ҳисобига эмас, балки халқ хўжалигимиз ихтиёридаги жуда катта резервлардан фойдаланиш ҳисобига ҳал этамиз. Бу — мураккаб вазифа, аммо унга қандай ёндашишни биламиз.

(Давоми 3-бетда).

# ҚАЙТА ҚУРИШ—МАМЛАКАТ БАРЧА ХАЛҚЛАРИНИНГ ИШИ

(Боши 2-бетда).

Гап аввало капитал қурилишда қатъият билан тартиб ўрнатиш ҳақида бормоқда. Объектларни ишга тушириш ғамини емай, қурилиш ҳажмларини ўйламай-нетмай ошираверишга уринишдек аҳволнинг бемаънилиги ҳаммага тушунарли бўлса керак. Хўш, бу аҳвол нимага олиб боради? 1985 йилга нисбатан 1988 йилда чала қолган қурилишлар ҳажми 30 миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб, норматив кўрсаткичлардан бир неча миллиард сўм ошиб кетди. Бу пуллар котлованларда ва пойдеворларда, битмай қолган заводларда банд бўлиб ётибди, бу маблағнинг тахминан бешдан бир қисми одамларга иш ҳақи тарзида тўланиб, харид талаби оширилган.

Украинага оид рақамларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Кўпгина объектларни ишга тушириш программаси барбод бўлганлиги чала қолган қурилиш ҳажми кўпайишига олиб келди. Ҳозир бундай қурилишлар салкам 18 миллиард сўмликка ёки давлат капитал маблағи йиллик ҳажмининг 87 процентига етган.

Шундай вазиятда мамлакат ҳукумати капитал қурилиш ҳажмларини бир неча миллиард сўмлик камайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Яқин келажакда биз капитал қурилишни планлаштириш ва пул билан таъминлашнинг янги тартибига ўтишимиз керак, бунда пировард натижалар қурувчилар ишининг асосий кўрсаткичлари бўлиб қолиши лозим.

Мудофаа харажатлари оғир юкини, албатта, мамлакат хавфсизлиги учун зиён етказмасдан камайтириш — яна бир реал резервдир. Бундан ташқари кейинроқ бажарилса ҳам бўладиган баъзи халқ хўжалик программаларининг амалга оширилишини тўхтатиб туриш керак.

Зарар кўрувчи корхоналарга дотация бериш каби ўткир масалани ҳам ҳал қилиш лозим бўлади. Ахир шу мақсадларга ҳам миллиардлаб сўм маблағ сарфланмоқда.

Энг муҳими эса ўртоқлар, хўжалик механизмини шундай созлаш керакки, иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлигининг илдам ўсиши иқтисодий усуллар билан таъминланадиган бўлсин. Ҳозир мамлакатни молиявий соғломлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тугалланмоқда.

Олдимизда неча юзлаб корхоналарнинг ишини, миллионлаб кишилар меҳнат фаолиятининг мазмунини ўзгартириш, уни ҳозир жамиятга, халққа нима керак бўлса ўшанга бўйсундириш вазифаси турибди.

Аҳоли таъминотидаги барча муаммоларнинг сира кечиктириб бўлмайдигани — озиқ-овқат муаммосидир. Шу залдагиларнинг кўпчилиги ҳозир: ахир қишлоқни юксалтириш кераклиги тўғрисида йиллар эмас, ўн йиллардан буён гапириб келаяпмиз-ку, деб ўйлашаётганига ишончим комил. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг харид нархларини неча марталаб оширдик, капитал маблағларни кўпайтирдик, бошқариш системасини қайта ташкил этдик. Туб бурилиш эса барибир содир бўлмади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бартараф этиш лозим бўлган ўша салбий жараёнларнинг моҳиятига, манбаларига — ишлаб чиқариш муносабатларига етиб бормаганимиз бунинг сабаби эканлигига менинг ишончим комил.

Қишлоқ хўжалигида эскича усуллар бошқа ҳар қандай тармоқдагига қараганда обрўсизланди. Бу соҳада вазиятни тубдан ўзгартиришга қодир бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эшикларни ҳақиқатан очиб қўйиш керак. Қишлоқ меҳнатчисини заминга, ишлаб чиқариш воситаларига қайтариш, уни ҳақиқий соҳибга айлантириш лозим.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш йўлида ҳеч қандай сийқа усуллар ва ақидалар кўндаланг бўлмаслиги керак. Бунда барча самарали формалар янгича амал қилишга тўла ҳуқуқ олиши лозим.

Бу йўлда маъмурий ғовларга, ўз хўжасизлигини социалистик принципларни рўкач қилиб хаспўшлашга уринишларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Сурункасига зарар кўриб келаётган, одатда тайёрга айёрлик авж олган, иш ҳақи меҳнат ҳиссаси билан сира ҳам боғланмаган корхоналарни наҳотки социалистик асосда ташкил этиш чўққиси деб ҳисобланса? Бундан буён уларни бюджет, қайтариб олинмайдиган кредитлар ҳисобига сақлаб туриш мумкин эмас, бунинг устига мақсадга ҳам мувофиқ эмас.

Бу иш бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш билан, шу жумладан қишлоқни социал жиҳатдан юксалтириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, интенсив технологияларни кенг қўлланиш, замонавий инфраструктурани вужудга келтириш билан бирга амалга оширилиши керак, албатта. Биз озиқ-овқат билан таъминлашни кескин яхшилаш учун туб чора-тадбирларни кўрамиз. Марказий Комитетнинг март Пленуми аграр сиёсатни қайта қуриш конкрет йўлларини, чиқиб олишимиз лозим бўлган марраларни муҳокама қилади. Биз бу пленумга ниҳоятда муҳим аҳамият бераяпмиз.

Умуман, ўртоқлар, шуни айтиш керакки, ҳозир туб иқтисодий ислоҳот экономикамизнинг барча секторларини қамраб олди.

Туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш йўлларида биз асосий муаммоларга яқинлашиб келяпмиз — гап социалистик мулкий муносабатларнинг ўзини қайта қуриш тўғрисида бораяпти. Бусиз хўжалик юритишнинг янги усуллари, шунингдек фан-техника тараққиёти ютуқлари ҳам бегона таркибий қисмлардек ажралиб қолишини тажриба кўрсатмоқда.

Ҳали яқиндагина мулкчилик масалалари қандайдир олис, соф амалий аҳамиятга эга бўлмаган бир нарса деб келинарди. Бу масалаларни асосан олимлар — сиёсий иқтисодчилар билан юристлар муҳокама қилишарди. Энди эса булар — одамларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ғоят ўткир муаммолар бўлиб чиқди. Ахир, меҳнат коллективларининг ўзини ўзи бошқаруви, ҳуқуқлари, кооперация, ижара, пудрат, акциялар — мана шуларнинг ҳаммаси мулкчилик муносабатларидир, биз уларни тубдан такомиллаштириш йўлидан боришга қатъий қарор бердик. Мулкчиликни изчил демократиялаш, уни инсоннинг, меҳнат коллективининг манфаатларига яқинлаштириш зарур. Мулкчилик халққа тегишли бўлибгина қолмай, шу билан бирга халқ томонидан бошқарилиши керак — социалистик мулкий муносабатларни қайта қуриш моҳияти мана шундадир. Ҳозирдаёқ шундай жараён бошланди, бошланганда ҳам қуйидан бошланди.

Ижарани ривожлантиришни олиб кўрайлик. У қишлоқ хўжалигида қандай самара бераётгани ҳозирдаёқ маълум. Лекин у саноатда, қурилишда, савдо хизмати соҳасида ҳам жуда катта самара бермоқда. Ҳозир ижара тўғрисидаги норматив ҳужжатни тайёрлаш ниҳоясига етай деб қолди, бу ҳужжат ижара муносабатларини ривожлантириш учун кенг имконият очиши керак.

Кооперация тўғрисида қисқача гапирмоқчиман. Кооператив форма мамлакат нақадар катта потенциал резервларга эга эканини кўрсатмоқда. Меҳнат унумдорлигини ҳам икки-уч баравар ошириш, бошқарув аппаратини ҳам кўп карра қисқартириш мумкин эканку. Биз товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг бундай имкониятларидан воз кечишга асло ҳақимиз йўқ.

Тўғри, кўпчилик нарх-навонинг юқорилигидан, кооператорларнинг юлғичликлари, тўғридан-тўғри чайқовчиликлари хусусида асосли равишда шикоят қилмоқдалар. Дарҳақиқат, салбий жиҳатлар мавжуд. Баъзи жойларда кооперация шахсий даромадларни назоратсиз кўпайтириш манбаига айлантирилмоқда, тақчилликни кучайтирмоқда. Бунга тоқат қилиб бўлмайди ва биз тоқат қилмаймиз ҳам, албатта. Кооператорлар фаолиятига баҳо беришнинг мақбул мезонларини топиш ва шу асосда қатъий қоидаларни ўрнатиш керак. Бу қоидалар кооперациянинг чинакам ривожланишига имкон берган ва айни вақтда суиистеъмолларга йўл қўймаган ёки уни ниҳоятда кам даражага туширган бўлур эди. Кооперативлардан солиқ олиш масалаларини республикаларга топшириш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарор шу жумлага киради.

Социалистик мулкий муносабатларни қайта қуриш жамиятимизда чуқур ўрнашиб қолган бараварлаштириш тенденцияларини, тайёрга айёрлик психологиясини бартараф этишга ҳам йўл очади, ўртоқлар. Биз ишловчи киши ким бўлишидан — ишчи, инженер, олим, ижарачи, кооператор бўлишидан қатъи назар, унинг ҳалол, виждонан бажараётган меҳнатини ҳимоя қилишимиз керак. Унинг маҳорати, билимдонлигини, ишлаш истаги ва ишлай билишини ҳимоя қилиш керак. Енгил ҳаётни изламай, балки астойдил меҳнат қилиб ўзи ва ўз фарзандларининг фаровонлигини таъминлашни истаётган кишиларнинг устунлигини қарор топтириш зарур. Омилкор ходимлар, ўз касбининг ҳақиқий усталаригина экономикани турғунлик ботқоғидан олиб чиқишга қодирдирлар.

Шу муносабат билан социал адолатни тўғри тушуниш ҳақида гапирмоқчиман. Бу борада чалкашликлар оз эмас ва кўп чайқовчилик қилинмоқда, адолатни текисчилик билан бир хил қилиб қўйиган тасаввурлар ана шуларнинг асосида шаклланиб, кенг ёйилган эди. Бу жиддий хато, албатта.

Дарвоқе, текисчиликка қарши кураш социал адолат сиёсатидан, бизнинг ғоят муҳим ғалабамиз бўлган социал жиҳатдан ҳимояланганликдан воз кечишни асло билдирмайди. Аксинча, меҳнатига яраша принципига қатъий риоя этиш, юксак унумдорликни рағбатлантириш натижасида айни ижтимоий бойликнинг ортиши социал муаммоларни ҳал этиш учун ҳар гал тобора кўпроқ маблағ ажратиш имконини беради. Биринчи навбатда гап яқин вақт ичидаёқ меҳнат унумдорлигини ўстириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида кам таъминланган оилаларнинг, болалар, пенсионерларнинг аҳволини яхшилаш зарурлиги ҳақида бораяпти. Марказий Комитетнинг партияга, совет халқига Мурожаатномасида бу ҳақда ғоят аниқ-равшан айтилган.

Ўртоқлар! Халқнинг экологияга доир онги шаклланиб бораётганлиги жамиятни демократиялашнинг кўринишларидан ҳамда қайта қуришнинг қудратли воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, табиатни муҳофаза қилиш ҳаётий зарур масаладир. Кейинги вақтларда шу мақсадлар учун миллиардлаб сўм маблағ ажратилмоқда. Аммо ҳақиқатга тик боқиб айтиш керакки, яхшилик сари исталган бурилишгача ҳали йироқ.

Йил сайин ўнлаб миллион тонна зарарли моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш давом этмоқда, биз ҳар йили ўн минглаб гектар ҳайдаладиган ерлардан маҳрум бўлаяпмиз, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси камайиб кетмоқда. Сув ресурслари муаммоси кескинлашмоқда. Табиатнинг инқирозга юз тутаётганлиги кишиларнинг соғлиғи ва кайфиятига таъсир қилмоқда, одамнинг табиий муҳит билан узвий алоқасидан маҳрум этмоқда, кўпгина социал ва маънавий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Биз экологиянинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаслигини батамом бартараф этишимиз керак.

Бу ўринда мен табиатни ҳимоя қилиш ҳаракати қандай оммавий тус олганлиги тўғрисида гапирмай ўта олмайман. Буни биз ҳар жиҳатдан табриклашимиз керак. Энг муҳими эса амалий ҳаракатларнинг аниқ ва равшан программасига эга бўлишдир.

Бизга оқилона баланс даркор, экология соҳасида яхши ўйланган сиёсат керак. Ҳозир комплекс экология программаси ишлаб чиқилмоқда. Биз бу программани бутун халқ жуда синчиклаб муҳокама қилиши керак, деб ўйлаймиз. Программанинг ўзи ҳамма нарсани ҳал этмаслиги равшан. Марказий органлар ҳам, жойлардаги халқ ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқарув органлари ҳам, кенг жамоатчилик табиий муҳитни сақлаб қолишга киришганлари тақдирдагина муваффақиятга эришилади. Ҳар қандай лойиҳалар табиатга зиён етказиши эҳтимолини назарда тутиб, қатъиян илмий экспертизадан ўтказилиши, низоли ҳолларда эса референдумга қўйилиши керак. Бунда ҳаддан ошишларга берилиб кетмаслик, реализм ва масъулият кўрсатиш лозим.

Мамлакат олдида турган муаммоларни шошма-шошарлик билан ҳал этиб бўлмаслигини жуда яхши англаймиз. Жамиятимиз тараққиётини янги даражага кўтариш, совет кишилари турмушининг сифатини кескин ошириш учун истиқболни назарда тутувчи изчил сиёсат керак. Биз шундай сиёсатга эгамиз, бу сиёсат мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг 2005 йилгача мўлжалланган концепциясида яна ривожлантирилади. Ҳозир марказнинг ва барча республикалар, илмий кучларнинг иштирокида шунинг устида интенсив иш олиб борилмоқда.

Ҳурматли ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимиз каби кўп миллатли мамлакатда совет оиласига кирган халқлар ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ҳамиша ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб келди. Қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик жараёни биздан ана шу муносабатларнинг бутун ҳолатини янгидан қайта идрок этишни, бу соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга киришишни талаб қилмоқда. Биз ана шу муаммолардан баъзиларининг ўткирлигига асло етарли баҳо бермаганимизни виждонан тан олиш керак. Ўтган йили миллий негиздаги зиддиятларнинг авж олишига дуч келинди, булар ҳозир ҳам сезилиб турибди. Аммо биз орттирган тажриба беҳуда кетмади.

XIX партия конференциясининг тегишли резолюциясида, КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги сайлов платформасида партиянинг мазкур масалаларга принципиал ёндашуви баён этилган. Мана шу асосда ҳозирдаёқ бошлаб юборилган ишлар давомида иқтисодий ва сиёсий характердаги масалаларнинг кенг комплексини кўриб чиқиш, барча миллатларнинг ва умуман совет халқининг манфаатлари ҳамда муддаоларига мос келадиган мақбул ечимларни топиш лозим.

Марказий Комитетнинг Пленумида миллатлараро муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилиш олдинда турибди, бу Пленум ёзда ўтказилиши керак. Янги тузиладиган ҳокимият органлари, аввало СССР Олий Советининг Миллатлар Совети бу масалаларга доимий эътибор бериб боришади, албатта.

Мен бугун нималарни айтмоқчиман? Биз орттирган бутун тажриба ва шу пайтгача ўтказилган таҳлил миллий ва миллатлараро муаммолар қайта қуриш ўзанидагина, ана шу революцион жараённинг таркибий қисми сифатида ҳал этилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдирмоқда. Бу мақсадга қайта қуришни четлаб, айниқса унга хилоф равишда эришиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар муваффақиятсизликка учраши муқаррардир.

Марказ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш масалалари қайта қуриш жараёнида ўз-ўзидан, автомат тарзда ҳал этилмайди, албатта. Миллий муаммолар тўғрисида гап борганида иқтисодий ислоҳот ҳам, сиёсий системани ислоҳ қилиш ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Шу маънода қайта қуриш ҳозирги шароитда ленинча миллий сиёсатнинг давомидир.

Шу фикрни миллий сиёсат соҳасида олдимизда турган асосий масалаларга татбиқан баён этиб бермоқчиман. Бунинг устига биз ҳозирдаёқ сиёсий ислоҳот иккинчи босқичининг вазифаларини ҳал этишга киришаяпмиз. Унинг мақсади мамлакатда миллий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборатдир.

Федерация маркази билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги муносабатлар каби долзарб масалани олайлик. Сиёсий система ислоҳоти жойларда яна ҳам тўлиқ ва реал халқ ҳокимиятини, барча миллат ва элатларга мансуб меҳнаткашларнинг давлат ишларини бошқаришдаги ҳал қилувчи ролини таъминлайди. Республикалар сайлаб қўйиладиган органларининг давлат ва ижтимоий турмушга доир асосий масалаларни республикаларнинг иттифоқ олдидаги конституцион мажбуриятларига риоя этган ҳолда мустақил ҳал қилиш имкониятлари анча кенгайтирилади.

Ўз навбатида туб иқтисодий ислоҳот иттифоқдош республикаларда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида иқтисодий ҳамда социал соҳага раҳбарликни қайта қуриш йўлини очади. Барча корхоналар ва бирлашмалар қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар уларни тўла хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, уларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар билан иқтисодий асосланган муносабатларини ўрнатиш бу соҳадаги асосий вазифадир. Республика бюджети узоқ муддатли нормативларга асосланган ўз даромад манбаларига эга бўлиши керак.

Бундай ёндашувнинг мантиқи республикаларга кўпроқ ҳуқуқ бериш ва шу билан бирга иш сифатини ошириш, хўжаликни комплекс ривожлантириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари яхшироқ таъминланиши учун уларнинг масъулиятини кучайтиришдан иборатдир. Бундай қайта қуриш биқиқликка, натура хўжалигига олиб бормаслиги керак, бу равшан нарса. Чунки у жамиятга нафдан кўра кўпроқ зиён етказади. Бундай масалаларни комплекс ҳолда, адолатли ҳал қилиш кераклиги ҳам равшан, бунда ҳеч кимнинг манфаатлари камситилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Бу масалалар Олий Советнинг сўнгги сессияси арафасида ўртага қўйилган эди. Гап кучли марказ ва кучли республикалар деган умумий принцип асосида федерация билан республикаларнинг ҳуқуқлари ўртасида энг мақбул нисбатни топиш ҳақида бораяпти.

Ҳозирги вақтда бу йўлда катта қадам қўйилди. Барча республикалар партия — давлат органларининг вакиллари, олимлари ва мутахассисларининг иштирокида республикаларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосий принциплари концепцияси тайёрланди. Куни кеча у КПСС Марказий Комитетида муҳокама этилганлиги ўзларингизга маълум ва тез орада кенг муҳокама этиш учун эълон қилинади, сўнгра эса янги ҳокимият олий органларининг кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Кейинги вақтларда биз республикаларнинг ўзлари ва миллатлари ўртасидаги муносабатлар муаммосига ҳам дуч келдик. Бу иш ниҳоятда нозик бўлиб, мушкул тус олиб кетиши мумкин. Биз тарихда ҳам, ҳозирги замонда ҳам биринчи навбатда халқларимизни бирлаштириб турган, улар ўртасида ётсирашни эмас, балки ишонч ва ҳурматни юзага келтирадиган жиҳатларни кўришимиз керак. Ўзгача йўлга ўтиб оладиган ҳар қандай кимса аввало ўз халқи олдида ғоят оғир масъулиятни зиммасига олади, чунки бу йўл боши берк кўчага бошлайди.

Биз ҳаққоний айтаётганимиздек, ҳозирги шароитда давлатлар ўртасидаги можаролар ва низолар фақат сиёсий воситалар билангина ҳал қилиниши мумкин. Битта иттифоқ социалистик давлати доираларида юзага келадиган миллатлараро низоларга татбиқан бу гап айниқса тўғридир. Бирон-бир миллий талабларга қонун доирасидан чиқиб куч билан эришишга даъватлар ғаламислик билан баробардир. Мен бу ҳақда гапирган эдим. Бироқ, яна бир бор жуда равшан қилиб айтишни ўз бурчим, деб ҳисоблайман.

Ҳар қандай масалани осойишта, адолатли ҳал қилиш учун бизда барча зарур имкониятлар бор. Марказда ва республикаларда ҳокимиятнинг янги структураси тузилгандан кейин бундай имкониятлар анча кенгаяди.

Мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар тўғрисида гапира туриб, бу муносабатларнинг яна бир жуда муҳим хусусиятини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман — миллатлараро муносабатлар умуман иттифоқдан ҳар бир регион ва меҳнат коллективигача бутун ижтимоий структурага сингиб кетган. Аслида мамлакатимизнинг ҳамма жойида, барча республикалар, шаҳарлар, областлар ва районларда турли миллатларга мансуб кишилар ёнма-ён яшаб, меҳнат қилишмоқда. Тарихан шундай таркиб топган. Бу — реалликларнинг бири бўлиб, жуда кўп нарса у билан боғланган, бинобарин, у билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Партия, давлат органларимизнинг, жамоат ташкилотларимизнинг ишида шу реаллик эътиборга олиниши лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш билан бир қаторда миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш барча турдаги автономиялар статуси оширилишини, майда миллатларнинг ҳуқуқлари жуда хилма-хил тарзда таъминланишини — ҳатто бирон бир миллатнинг вакиллари кўпроқ яшайдиган жойларда янги миллий районлар ва миллий советларни тузишни ўз ичига олади. Турли республикаларда ва мамлакатнинг ҳар хил жойларида кўпроқ ёки тарқоқ ҳолда яшаб ўз автономиясига эга бўлмаган бирон-бир миллат кишиларининг турмуши билан боғлиқ масалалар кўндаланг бўлмоқда. Уларнинг ўз миллий эҳтиёжлари — она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш, ўз маданияти қадриятларини сақлаб қолиш каби ва бошқа талаб-эҳтиёжлари борлиги равшан. Ана шу талаб-эҳтиёжларни қондириш учун ҳозирдаёқ кўп иш қилинмоқда.

Ўзга миллат орасидаги шахс ёки аҳоли группасининг аҳволи билан боғлиқ масалалар ижтимоий турмушимизни қайта қуриш ва демократиялаш негизидагина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Зеро мамлакатимизда, жуда камдан-кам ҳолларни истисно қилганда, деярли ҳамма жойда кўп миллатли аҳоли яшайди.

Манфаатларнинг бир хиллиги, ўзаро ҳурмат, муштарак мақсадлар йўлидаги умумий меҳнат, бир-бирини бойитаётган тўла қонли маънавий турмуш — булар ҳар қандай кўп миллатли регионда, исталган шаҳар ёки қишлоқда, меҳнат коллективи ёки ўқув коллективида, ҳарбий бўлинмада беҳбудлик ва барқарорлик шартларидир. Турли миллат кишилари ўртасидаги ҳамжиҳатлик асослари, инсоннинг жамиятда яшаш асослари айни мана шундай қуйи ячейкаларда, оилада вужудга келтирилади.

Шу кунларда мен Львов областида бўлдим. Бу йил Украина ерлари ягона совет давлатига қайтадан қўшилганлигининг 50 йиллиги нишонланади. Учрашувлар вақтида ана шу жуда ажиб, ўзига хос ва гўзал ўлканинг меҳнаткашлари одамлар илгари қандай яшаганлари ва ҳозир қандай яшаётганликлари, улар қандай юксак социал-иқтисодий марраларга эришганликлари тўғрисида гапирдилар. Лекин ҳозир ҳам кўпгина муаммолар бор — улар ҳақида ҳам гап юритилди. Украина ерлари қайта қўшилгандан кейин ўтган йиллар мобайнида миллий маданиятнинг чинакам равнақига эришилганлиги ҳақида ҳам гап борди.

Украинада бу ерда яшовчи бошқа миллат кишиларининг эҳтиёжларини қондириш учун кўп иш қилинаётгани ҳам яхши. Мактаблар ва олий ўқув юртларида болгар, венгер, поляк, янги грек, қрим татар ва гагауз тилларини ўрганиш факультетлари очилди. Қрим татар — рус, болгар — украин, чех — украин тили луғатлари босмадан чиқди. Одесса областининг бир қанча районларида болгар тилида, Донецк областида янги грек тилида радиоэшиттириш бошланди, Черновци ва Закарпатье областларидаги районларда молдован тилида эшиттиришлар олиб борилмоқда. Қрим татар тилида газета нашр этишга ҳозирлик кўрилмоқда. Миллатлараро муносабатлар муаммосини худди шундай ҳал этавериш керак.

Хуллас, ўртоқлар, миллий уйғониш қайта қуришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир бизда қарор топаётган янги ижтимоий шароитлар ҳар бир халқ учун география ва тарих бизга тақдим этган ноёб миқёсларда ўз потенциалини намоён этиш имкониятини яратмоқда.

Миллий уйғонишни алоҳидалик, ўзини-ўзи яккалаш йўлида деб билаётган кимсаларга халқлар ҳеч қачон қўшилишмайди. Сиёсий муддаолар, амалпарастлик, ҳатто социализмга очиқдан-очиқ душманлик билан қилинаётган даъватлар — сохта, хатарли, ҳалокатлидир. Биз бундай даъватларни тарқатаётган кимсаларни: сизлар ўт билан ўйнашаяпсизлар, деб огоҳлантириб қўйишимиз керак. **(Қарсаклар).**

Биз бахт-саодатимиз ва фаровонлигимизни биргаликда яратишимиз лозим. Қайта қуришимиз барча совет халқларининг эзгу орзу-умидларига мувофиқ бўлиб, уларни ҳар томонга ажратиб юбормай, балки муштарак социалистик негизда яна ҳам маҳкамроқ жипслаштириши керак. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Қайта қуриш партиянинг ғоявий ва сиёсий раҳнамолигини тасдиқлади. Биз XXVII съездда, XIX партия конференциясида ижтимоий ўзгартишлар программасини пухта ишлаб чиқиб, партиянинг ўз фаолиятини тубдан қайта қуриш вазифасини биринчи навбатдаги вазифа қилиб қўйдик.

КПСС бошқарув вазифаси ва унга хос бўлмаган бошқа вазифалардан воз кечиб, советларнинг тўла ҳокимиятига, жамоат ташкилотлари билан сиёсий ҳамкорлик қилишга қаратилган йўлга амал қила бошлади. Партия раҳбарлигида демократиялаш жараёнлари кенг авж олдирилди, буйруқбозлик-маъмурий системага фаол барҳам берилмоқда, социалистик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда.

1985 йилнинг апрелида биз демократияни амалга оширишга қарор бердик ва бу йўлдан қатъий бориш ниятидамиз. Бунда биз жамиятда тўпланган жуда катта сиёсий активлик потенциалини ҳам, демократик жараённи амалга ошириш йўлида ҳали анчагина тўсиқлар борлигини ҳам сезиб турибмиз.

Ўз сафларида йигирма миллион аъзони бирлаштирган КПСС бугунги кунда жамиятнинг авангард кучи бўлиб, у социализмнинг хатарли ўзгаришлардан ҳоли, жамият учун катта сарф-харажатларга сабаб бўлмайдиган янгиланган, демократик моделига ўтишини таъминлашга қодирдир. У ўз табиатига кўра ишчилар партияси бўлиб, ҳукмрон партия сифатида умумхалқ манфаатларини ифодалаб, барча сиёсий кучларни бирлаштириш, интеграциялаш вазифасини бажармоқда. Бу вазифа ҳамиша ва айниқса, ривожланишнинг мана шундай революцион даврларида айниқса, муҳимдир.

Биз партиянинг жамиятнинг сиёсий авангарди сифатидаги ролини мураккаб ишларни турли манфаатларни келишиб олиш орқали мувофиқлаштиришда, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда у ёки бошқа эҳтиёжларни қондириш зарурлигини — шунга мувофиқ уларнинг бутун жамият ва социал адолат принциплари учун аҳамиятини белгилашда деб биламиз. Шундай шароитда сиёсий авангард сифатидаги партия тўғрисидаги тасаввур анча ўзгаради. Партия ҳукмрон партия сифатида қолса-да у ўз амрини ўтказиш ва буйруқ бериш одатларидан воз кечиб, энг аввало жамиятга сиёсий раҳбарлик қилишни ўзининг вазифаси деб билади.

Демократия ва ошкоралик партиявий масканимизга кириб бориб, у ердаги кўп нарсаларни ўз қонунларига биноан жой-жойига қўйиб, партия ички турмушининг илгариги эскича тарзига барҳам бермоқда. Партия комитетлари, партия кадрлари янгичасига, омманинг фикри ва тажрибасига таяниб, ишлашга ўрганмоқдалар.

Айни вақтда партия сафларида тафаккурни қайта қуриш ҳозирча суст бораётганлигини эътироф этиш керак. Ҳар ҳолда бу жараён биз истагандек ва айниқса, турмушнинг ўзи талаб қилганидек амалга оширилмаяпти. Бир қанча партия ташкилотларида фаолиятнинг янги методларига ўтишга ошкора тўсқинлик қилишга уринишлар сезилиб турибди. Катта ва кичик лавозимдаги бир қанча раҳбарлар шу пайтгача рўй бераётган ўзгаришлар кўламини ҳали англаб етмаганлар, ислоҳотлар эртами, кечми қандайдир тўсиққа дуч келиб, ҳамма уларга маъқул бўлган буйруқбозлик тартибларига қайтади деган хомхаёллар билан ўзларини овунтирмоқдалар.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, уларнинг ҳаммаси реал турмушда мавжуд. Шунинг учун мазкур вазиятни ҳисобга олиб ҳамда қайта қуриш эҳтиёжлари ва халқ манфаатларига амал қилиб етилган кадрлар масалаларини ҳал этиш лозим. Бизга ҳар қачонгидан кўра марказда ҳам, жойларда ҳам кучли кадрлар зарур. Ўз куч ва билимини қайта қуришга сарфлаётган ҳар бир яхши ходим ўзининг оғир меҳнати ҳурмат-эътибор қозонишига ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига умид боғлашга ҳақлидир. Қайта қуриш биз бошлаган революцион ишимиз тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган истеъдодли, билимдон, қатъиятли кишиларни тобора кўпроқ намоён этмоқда ва намоён этаверади.

Янги сиёсий система қарор топаётган, демократия ва ошкоралик туфайли мамлакатнинг келажагига оид туб масалалар эркин муҳокама қилинаётган ҳозирги пайтда бундай жараёнларда коммунистларнинг фаол ва амалий иштироки айниқса, муҳимдир. Партиянинг ҳар бир аъзоси социализм қадриятларини, ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг туб манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, ленинча интернационализм принципларида совет федерациясини мустаҳкамлашга эришиши шарт. Ўз тақдирини социализм билан мангу боғлаган ўн миллионлаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар буни шунчаки кутмасдан, балки партиядан талаб қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Фикрлар хилма-хиллиги, мунозаралар эркинлиги ғоят кенг кўламдаги қарашлар ва позицияларни изҳор этиш имкониятини назарда тутади. Айни шунинг учун ҳам партия ўзининг қайта қуриш, социализмни янгилаш йўли ҳақ эканлигини кўрсатиб умумхалқ мунозарасида фаол иштирок этиши керак.

Бир сўз билан айтганда, КПСС ҳозир туб ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Эндиликда партия ўзининг яқин ўтмишдаги ҳолатидан бутунлай фарқ қилади. Умумий куч-ғайрат сарфлаб, уни демократик принциплар асосида ривожлантирамиз, барча соҳаларда — ғоявийликда ҳам, уюшқоқликда ҳам, иш методларида ҳам унинг ленинча қиёфасини қайтарамиз. **(Қарсаклар).** Шундай партиягина қайта қуриш ишини охирига етказишга қодирдир.

Биз сайловолди кампанияси чоғида халқ олдида ҳисобот берар эканмиз, халқаро фаолиятдаги катта ижобий ўзгаришларни қайд этишга ҳақлимиз, уруш хавфи сусайиб, Совет Иттифоқининг хавфсизлиги мустаҳкамланди, давлатлар ҳамжамиятида ва жамоатчилик орасида сиёсатимизнинг обрў-эътибори реал ўсди. Халқ, ҳар бир совет кишисининг манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда партиямиз, совет ҳукумати халқаро фаолиятининг асосий якуни мана шундан иборат.

Қайта қуришга эндигина киришилган пайтда партия раҳбариятини энг аввало ўзимиздаги, мамлакатнинг ичкарисидаги ишлар қандай бораётганлиги ташвишлантирган эди. Бироқ, кейин биз қайта қуришни бошлаб тез орада жаҳондаги бутун вазиятни, ўзимизнинг дунёдаги мавқеимизни, социалистик мамлакатлар билан, бошқа ижтимоий тузумдаги давлатлар билан муносабатларимизни, жаҳон алоқалари ва муаммоларининг ҳаммасини қайта англаш зарурлигини тушуниб етдик. Шу тариқа биз янгича сиёсий фикрлашга, эскирган тасаввурлар ва бир қолипдаги тушунчалардан, дунёга салбий назар билан қараш одатидан воз кечишга қарор бердик ва кам деганда иккита муҳим жиҳатни англадик.

Биринчидан. Бошқа мамлакатларнинг хавфсизлик манфаатларини ҳисобга олмай, ўз мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмаслигини ва ядро асрида техникавий жиҳатдан қанчалик мукаммал бўлмасин, ҳарбий воситалар билан мустаҳкам хавфсизликни таъминлаш мумкин эмаслигини англадик. Бу эса бизни хавфсизлик тушунчасининг ўзини қайта кўриб чиқишга, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг барча жиҳатларини, жумладан улардаги инсоний мезонни ўз ичига олувчи кенг қамровли хавфсизликнинг принципиал жиҳатдан янги концепциясини ўртага қўйишга ундади.

Иккинчидан. Ҳозирги ўзаро боғлиқ ва тобора яхлит дунёда жаҳондаги жараёндан мустаҳкам чегаралар ва мафкуравий тўсиқлар билан қуршаб олинган жамиятда силжишга эришиб бўлмайди. Бу ҳар қандай жамиятга, шу жумладан социалистик жамиятга тааллуқлидир.

Одам тузумга эмас, балки тузум одамга хизмат қиладиган чинакам социализм бутун дунё билан ҳамжиҳатликдагина, жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик шароитида қўшадиган ўз ҳиссасини кўпайтириш ва бу ривожланишдан унинг пировард қадриятларига зид бўлмаган барча омилларни олиш йўли билангина тўлақонли ривожланиши мумкин.

Биз жаҳоннинг сиёсий, хўжалик ва маънавий ҳаётига қўшилишимиз, айни пайтда ўзлигимизни сақлаб қолишимиз керак. XX аср охирида бизнинг Ватанимизгина қайта яшариб, социалистик тузумнинг самарадорлигини, демократизмини ва инсонпарварлигини ўзи ва бошқалар учун исботлашга қодирдир.

Янгича фикрлашнинг асосини ташкил этган бу хулосалар бизни ташқи сиёсатни қатъиян янгилай бошлашга ундади. Биз халқаро кескинликни юмшатиш, Ғарб билан ҳамжиҳатликка эришиш, халқаро зиддиятларнинг мураккаб тугунларини мулоқот, музокаралар, оқилона ён босишларни қидириб топиш йўли билан ечиш учун сиёсий имкониятлардан энг кўп даражада фойдаланиш йўлидан бордик.

Мамлакатдаги чуқур ички ўзгартишлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлган бу йўл жаҳон узра пайдо бўлган Совет-Америка мухолифлиги сингари палахсани жойидан силжитиш имконини берди. СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши бутун жаҳон жараёнида бурилиш ясади.

Тинчлик ва тараққиёт йўлидаги бошқа бир хатарли тўсиққа — икки буюк социалистик давлат — СССР билан Хитой ўртасида вақти-вақти билан мухолифликка айланган ётсирашга барҳам беришга муваффақ бўлинди.

Ривожланаётган кўпгина мамлакатлар ва энг аввало, бизга дўст Ҳиндистон билан муносабатларимиз муттасил ривожланиб бормоқда.

Бизнинг янги сиёсатимиз муносабати билан Европада қисқа муддат ичида рўй берган ўзгаришларни, у ерда «совуқ уруш» оқибатлари айниқса ўрнашиб қолганлигини назарда тутганда, ҳатто кутиш қийин эди. Европадаги кўпгина давлатларнинг раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлар, бошқа хил мулоқотлар ва мунозаралар Европа сиёсатини милитаризм ва мафкуравий мухолифлик йўлидан ҳалос этиш, Европанинг бутун дунёдаги ижобий ўзгаришларнинг яхлит омили сифатидаги ролини қайта тиклаш учун жуда катта имкониятларни аниқлаб берди. Вена учрашуви Европа жараёнини шундай даражага олиб чиқадики, унда «Умумевропа хонадони»нинг дастлабки қиёфасини аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳозирги вазиятни бундан атиги бир неча йил илгариги вазият билан таққослар эканмиз, у қанчалик ўзгариб кетганлигини кўрамиз. Мулоқотлар одат тусини олди. Музокара жараёнлари ўзининг бутун мураккаблигига қарамай, илк бор катта натижалар бериб, қурол-яроғларни реал қисқартириш, маҳаллий можароларни бартараф этиш ва халқаро иқлимни барқарор яхшилаш имконини вужудга келтирди.

Қўшинларимиз Афғонистондан қайтиб келди, Совет Иттифоқи Афғонистондаги вазиятни сиёсий бартараф этиш йўлидан қатъий бораверади ва барча мамлакатларни, биринчи навбатда Женева битимларини имзолаган мамлакатларни шу руҳда ҳаракат қилишга даъват этади.

Шуни тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, «ишонч» сўзи бирмунча абстракт категориядан, асосан пропаганда хусусиятидан конкрет мазмунга эга бўлган сиёсий терминга, ҳатто турли система ва блокларга мансуб давлатлар ўртасидаги муносабатлар даражасини баҳолайдиган мезонга айланганлиги янгича фикрлашнинг ғалабасидир.

Биз кўпинча вазият қанчалик ўзгараётганлигини сезмаймиз. Чунки бизнинг сиёсатда, ижтимоий, илмий, ахборот — пропаганда соҳаларида Ғарб билан муносабатларимиз амалда «совет хавфи» тушунчаси теварагида ўралашиб қолди. Бизни айблашар, биздан шубҳаланишар, ҳеч бир сўзимизга ишонишмас эди. Халқаро вазиятни заҳарлаб, қуролланиш пойгасини янада авж олдирган душманлик, даҳанаки жанглар зўрайиб кетди.

Ҳозир ашаддий жаҳолатпарастларгина «совет хавфи» тўғрисида ҳамон гапирмоқдалар. Аммо бу нарса ҳарбий бюджетларнинг муаллифлари, ҳарбий-саноат комплексининг хўжайинлари, антикоммунизм идеологлари эндиликда советларга қарши гапиришмаяпти, деган маънони билдирмайди. Бироқ Ғарб жамоатчилиги орасида ўн йиллар давомида таркиб топган СССРдан қўрқув йўқола бошлади. Жиддий давлат арбобларида ҳам бундай қўрқув ҳисси камайиб бормоқда.

(Давоми 4-бетда).

